

2013-yil — Obod turmush yili

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 5-yanvar, shanba
№ 1 (15639)



2013-yil — Obod turmush yili

Янги йилда яхшиликлар бардавом

ЭЗГУ НИЯТЛАР МУШТАРАК

Янги йилни ўзгача кайфият билан қарши оламиз. Ёшимизга яна бир ёш қўшилиши, турли эртак қаҳрамонларининг бизнинг ҳаёти-мизга «кириб келиши», бу билан айём янада завқли тус олиши, болаларнинг қувончи, кулгисидан олам янада мунаввар бўлиб кетиши билангина эмас, Янги йил энг юксак орзуларимиз сари бизни яна бир қадам яқинлаштириши билан ҳам бошқача суюмлидир.

Обод турмуш йилига қадам кўйдик. Айтишларича, инсоннинг инсонийларини белгилайдиган муҳим омиллардан бири унинг нияти бўлар экан. Қизик, наҳотки, одамзотнинг қандайлигини унинг ниятидан билиш мумкин? Мумкин экан. Фақат эзгу, савобли ишларни қиласман деган мақсад билан яшайдиган, яъни яхши ниятли кишиларнинг табиати ҳам соф, ўзлари яхшиликнинг энг баланд рутбасига эга чин инсонлар хисобланар эканлар. Юртимизда ҳар бир йилнинг ўзгача ном билан аталиши ҳам халқимизга хос яхши ниятилилар, яхшиликпарварликнинг олий намунасиdir, десак, муболаға бўлмайди. Чунки бу аниқ: насиб этса, нияти-мизга яраша, бу йил ҳам мамлакатимизда худди ўтган йиллардаги каби улуғвор ишлар амалга оширилади; Мустаҳкам оила йилида бунёд этилган оиласалар янада мустаҳкамланиб, бу йил турмушлари янада обод бўлади; турмуши обод оиласалар ҳиммат ва саховат камарини янада маҳкам боғлаб, бошқа оиласаларнинг-да фаровон, тўқис турмуш кечиришларига кўмак-дош бўлишиади.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлисанган тантанали маросимда 2013 йилни мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилганида, бу эзгу номнинг инсонлар руҳиятига нақадар яқинлиги, юрагидаги сўз экани, таъбир жоиз бўлса, мамлакат билан халқ орзу-истакларининг нечоғлик муштарак эканини англадим.

Боботарих гувоҳ: не-не салтанатлар давлат ва халқнинг мақсадлари бошқа-бошқа бўлгани касофатидан танazzул ботқоғига учраган, қанча-қанча давлатлар нияти эл-улус ниятига номувоғиқ келиши сабабидан йўқ бўлиб кетган. Яратганнинг ёрлақагани шудир: бугун бизнинг юртимизда эзгу ғоялар муштарак, ниятлар муштарак, мақсадлар муштарак. Фақат мақсад сари интилиш, саъй-ҳаракатда бўлиш, меҳнатдан қочмаслик талаб этилади, холос. Шу кунларнинг қадрига етиш, керак бўлса, бугуни-мизга шукр қилиб, эртамизни бугунимиздан-да яхши бўлишига ҳаракат қилиш энг катта вазифаларимиздандир.

(Давоми 2-бетда)



Сардор Муллажонов фотоколажи

«Мустаҳкам зиёли оила»

Тошкент вилоят давлат педагогика институтида «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда қасаба ўюшмаси билан ҳамкорликда «Мустаҳкам зиёли оила» кўриктанлови ташкилоти қилинди.

Танловда институт ўқитувчилари: Мусабек Эшмуродов, Шокир Ўришов, Дилмурод Раҳматуллаев, Ботир Тожибоев ва

Бобур Немматов ўз оила аъзолари билан иштирок этишиди.

Улар учта шарт бўйича беллашдилар. Иштирок-

чиilar бадиий чиқиши ва саҳна кўринишларини намойиш этиб, оила мавзуда мақол ва ҳикматли сўзлар айтишди, оила формуласини ифодалашди. Мазкур танлов тала-баларда ҳам ўзгача таас-сурот қолдирди.

Ҳакамлар ҳайъати ху-лосасига кўра, Ўришовлар оиласи биринчи ўринга лойик деб топил-

ди. Иккинчи ўрин Раҳма-туллаевлар ҳамда учинчи ўрин Эшмуродовлар оиласига насиб этди. Голибларга ташкилотчи-ларининг совгалари топширилди.

Б.ҲАҚБЕРДИЕВ,
Тошкент вилоят
давлат педагогика
институти «Камолот»
ЁИХ бошланғич
ташкилоти етакчиси

Янги йилда яхшиликлар бардавом

(Давоми, боши 1-бетда)

Янги йил остонасида Президентимизнинг бизга йўллаган байрам табригини эшитдингиз.

Юртбошимизнинг: «Ўзбекистонимизнинг бугунги кунда бутун дунё тан олайтган юксак мэрраларга эришишида, бир сўз билан айтганда, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишда аввало шу саховатли заминда яшётган ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси борлигни, бу ютукларнинг барчасига халқимизнинг кундаки оғир ва машақатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бир ёқадан бош чиқариб, ягона оила бўлиб, юртимизда ҳукм суроётган тинчлик ва осойишталикни, ўзаро хурмат ва меҳроқибатни кўз қорачиғидек асрар яшётганимиз мустаҳкам замин бўлаётганини ҳеч қаҷон унутмаслигимизни истардим», — деган сўзларини ҳам табиийки дикқат билан тинглагансиз. Бу сўзлар ила халқнинг миллионлаб фидойи фарзандлари улуғланди, эътироф этилди. Мехнатнинг, эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилган инсонларга эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бу.

Бу диёрда инсон манфаати ҳар нарсадан устун эканига далолат бу.

АРЧА АТРОФИДА

Янги йил байрамини ҳамиша яшнаб турувчи яшил малика — арчасиз тасаввур қилиб бўларми? Мамлакатимизнинг турли гўшаларида ўрнатилган Янги йил арчалари бугун бо-

лаларнинг ҳам, катталарнинг ҳам энг кувноқ манзиллари бўлиб туриди.

Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида ўрнатилган Янги йил арчаси ҳам каттаю кичикка завқ улашяпти.

...Укпардек майнин, ёқимли қор ранго-ранг чироклар шуъласида товланиб ер бағрига оҳиста кўнаяпти. Майдон оппоқ қор эмас, болакайларнинг оппоқ кўнгилларидан, турфа ранг чироклар эмас, ёш ўғил-қизларнинг шодон қийқириғу баҳорий жилмайшлиаридан нурафшондек. Майдоннинг фавворалар ўрнатилган қисмida саҳналар барпо этилган. Уларнинг ўртасида байрам маликаси — кўкка бўй чўзган улкан арча қўр тўкиб туриди. Овоз кучайтиргич мосламалар, «Тошшаҳарнур» ҳамда «Ўзтелеком» компаниялари томонидан ўрнатилган катта экранлар, маҳсус аттракционлар, юмшоқ ўйин қурилмалари, театрлаштирилган томошалар, Янги йил байрамининг доимий қаҳрамонлари — буларнинг қай бири ҳақида сўзлаймиз. Уларнинг ҳар бири бу гўшага ташриф буюрувчи қоракўзларга чексиз қувонч ва шодлик баҳш этмоқда.

— Телевизорда кўрсатишганда,вой, шу ўзимизнинг Тошкентдаги Мустақиллик майдоними, дея, очиғи жуда ҳайратландим, — дейди Олмазор туманида истиқомат қилувчи Муқамбар ая Лутфуллаева. — Набираларим арчага борайлик, дея ҳоли-жонимга қўйишмади. Тўғриси, ўзим ҳам бу ерга келишни хоҳладим. Мана, бу ерга оиласи келдик.

Янги йил шаҳарчасини мириқиб томоша қилаётган, невараларини етаклаб юрган Муқамбар ая сұхбатимиз давомида: «Болам, ўзингиз ҳам кўрибилиб юргандирисиз. Бугун дунёнинг баъзи жойларида бундай байрамлар одамлар учун орзу. Уларнинг орзу-умидлари тинч-тотув яшашдангина иборат. Бизда эса, минг қатла шукр, тинчлик-тотувлик, одамларимизнинг ташвиши тўй, байрам, қувончли кунлар. Мана буларга кўп тақорлайман (ая невараларига имо қиласди). Ўқинглар, ўқинглар, ўқинглар. Сизларнинг ташвишиларинг ўқиши бўлсин. Мана, яхши ўқисин, деб шундай байрамлар олиб чиқиб юрибман», деди.

— Каникул қандай ўтаяпти, Илҳом? — саволга тутаман ўзини Илҳом Туров, Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактабнинг 7-синф ўқувчисиман, деб таништирган болани.

— Зўр! — дейди у кулиб. — Гап бўлиши мумкин эмас.

— Чораклик неччи бўлди?

— Тўрт-беш. Худо хоҳласа, кейинги чорак фақат беш бўлади.

— Албатта, фақат беш бўлиши керак. Агар ҳамма фандан аъло баҳога ўқисаларинг, юртимизнинг энг ажойиб гўшаларига олиб бораман, — дея бошқа невараларигаям қарайди Муқамбар ая.

Пойтахтимиз бағрини ёғдуларга тўлдириб, унинг чиройига чирой кўшиб турган Мустақиллик майдони чиндан ҳам бугун каттаю кичикни ўзига мафтун этаётир. Янги йил шоу-

томошалари бу ерда 7 январга қадар намойиш этилади.

БЕЗАМОҚ ҶОҒИДИР УМР ДАФТАРИН...

2012 йилнинг 31 декабря. Кеч соат 23.59... Кимнингдир хаёлидан ўтган умри, унда нималарга ултурганию нималарга ҳали ултурмагани, орзу-армонлари, эришган ютуклари, кечирган яхши-ёмон дамлари ўтгандир. Шунчаки, соат бонг уришини, янги санага ўтилишини кутганлар ҳам бўлгандир. Эҳтимол, кимнингдир ёдига календарини алмаштириш лозимлиги тушгандир ўша маҳал... Аммо бир нуқтада барчамизнинг ҳолатимиз бир-бирига яқин бўлганига аминман: янги йил ҳар биримизнинг қалбимизга кириб келди! Ким учундир янги умидлар бўлиб, кимгадир янги ижодий фоялар олиб келувчи илҳомбахш йил бўлиб, ким учундир ширин онларни ваъда қилаётган баҳт қуши бўлиб...

Ишонинг, бу йил чиндан ҳам ҳаётингиздаги энг чиройли йил бўлади. Чунки сизнинг ниятингиз яхши. Кўзлаган манзилингиз, унга олиб борувчи ўйлингиз, интилишингиз ҳам чиройли.

Янги йилга қадам кўйдик ва кўзлаган манзилларимиз томон яна бир қадам ташладик.

Янги йил бизни яхшиликларга етказсан!

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Ёш бизнесменга тайёр кўмакчи

Ёз фасли. Полиз маҳсулотлари пишиб этилди. Пишганини бозорда сотаяпсиз. Ҳосил яхши бўлганидан бозордан ҳам ортиб қоляпти. Нима қилиш керак? Яшанг, қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак. Турли хил консервалар тайёрлаб қишида сотсан, янада кўпроқ фойда оламиз. Ҳаёлдаги бундай режаларни амалга ошириш учун нима қилиш керак?

Ўзининг янги бизнес фоялари билан тадбиркорликка қизиқаётган тенгдошларимизга маслаҳат ва амалий ёрдам қўрсатиш мақсадида 2011 йилдан бўён «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг барча худудий кенгашлари қошида «Ёш тадбиркор» консультатив марказлари фолият кўрсатиб келяпти. Ушбу марказнинг ташкил этилиши Қашқадарё вилояти ёшлари учун ҳам янгилик бўлди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорликкни ривожланишига ёрдам беряпти.

Вилоядаги тадбиркорларнинг аксарияти фермерлик, бодгорчилик, чорвачилик, иссиқхона билан шуғулланади. Улар «Ташаббус», «Йил аёли», «Ёш тадбиркор — юрга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» каби йирик танлов ва лойиҳаларда қатнашиб, муносиб тақдирланмокда ва эл эътиборига тушаяпти. Бу эса ёш тадбиркорлар учун тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

— «Камолот»нинг энг ёш маркази ҳисобланган «Ёш тадбиркор» консультатив марказининг иккى йиллик иш фа-

бизнес лойиҳалар молиялаштиришга тавсия этилиб, имтиёзли кредитлар ажратилди. Ўтган йили академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилган «Менинг бизнес ғоям» танловининг биринчи босқичига 3040 нафар битирувчидан иншолар қабул қилинди. Энг яхши бизнес лойиҳа муаллифи деб топилган олтмиш бир нафар ўқувчи танловнинг вилоят босқичида қатнашди. Лойиҳалари давомий бўлган бизнес режаларга эга иштирокчиларнинг кўп қисми имтиёзли кредитлар олишга тавсия этилди.

Хозирги кунда ушбу марказдаги тўқиз нафар ёрдамчи тренер жойларда ўқувчи ўшларга семинар-тренинглар ўтказишида амалий ёрдам кўрсатиб келяпти. Уларнинг аксарияти олий таълим мусасасалари битирувчиларининг 121 нафарига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун 1 миллиард 211,9 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Натижада, 219 та янги иш ўрни яратилди.

— Марказ очилганда тренер бўлиш истагида мурожат килганман, — дейди Нурбек Эргашев. — Ҳар йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билим ва тажрибализни кенгайтириб, малакамизни ошириш учун малакали мутахассислар ва бизнес тренерларни жалб этган ҳолда семинар-тренинглар ўтказади. Бу эса жойларда ўтказадиган семинарлари-



мизда ўшларга тадбиркорликка оид қонун ва меъёрий хужжатлардан, мавжуд имтиёзлардан қандай фойдаланишлари ҳақида етарлича маълумот бериши мисбатида ҳамда жамоа билан ишлаш маҳоратимиз ошишига хизмат килмоқда. Ҳозир ўзим ҳам тренерлик билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятимни бошладим, — дейди Беҳрӯз Тешаев.

«Ёш тадбиркор» консультатив маркази Обод турмуш йилида ҳам иш фаолиятини янада тақомиллаштириб, ёш тадбиркорларнинг яқин кўмакчисига айланиш ниятида. Демак, муаммоларингиз бўлса, ушбу марказга мурожаат қилинг!

Рустам ҚЎЧКОРОВ,
«Turkiston» мухбири

Байрам давом этади!

Янги йил. Барчамиз учун қувончи байрам. Айниқса, болажонлар учун. Қорбобо ва Қорқизнинг совғаси болаларга ўзгача завқ бағишишади. Оппоқ қор қўйнида қорбўрон ўйнаб, чана учиш эса болажонларнинг энг севимли ўйинлариdir.

Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида ўрнатилган Янги йил атрофи ҳар доимигидан гавжум. Бу ерда болажонларнинг қиши таътили муносабати билан Қорбобою Қорқизнинг совғалари, турли кўнгилочар ўйинлар, театрлаштирилган томошалар, куйкўшиқ ва эртак қаҳрамонларнинг саҳна чиқишилари кичкин тойларда унтилмас хотиралар қолдириши шубҳасиз.

Байрамнинг барча болажонлар қалбида ёрқин из қолдириши, ундан хеч бир ёш қалбнинг четда қолмаслигини таъминлаш мақсадида қатор ишлар қилинди. Жумладан, маҳаллалардаги кам таъминланган оиласлар фарзандлари, ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ болалар ва ёлғиз кексаларни маънан

ўтказилипти. Унда «Камолот» фаоллари ва «Камалак» болалар ташкилотининг сардорлар кенгаси томонидан тайёрланган байрам дастурлари намойиш этилиб, иштирокчиларга ташкилотнинг эсдалик совғалари топширилмоқда.

— Мехрибонлик уйи ва мактаб-интернат тарбияланувчилари, кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ болалар ҳамда ёлғиз қарияларга ҳам Янги йил шукухини етказиш, шунингдек, болаларнинг қиши таътилларини мазмунли ўтказиши мақсадида ташкил этилган ушбу лойиҳамиз ўтган йилнинг 26 декабрян бошланди, — дейди Республика «Камалак» болалар ташкилоти бош мутахассиси Бекзод Суюнов. — Лойиҳа доирасида Қорақалпо-



ва «Камалак» фаолиятида фаоллик кўрсатган ёшлар ҳамда етакчилар рагбатлантирилиб, улар учун Янги йил карнавали ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, барча худудларда Янги йил байрамига бағишиланган спорт мусобақалари, кўрик-танловлар, акциялар ҳамда турли мукофотлар соҳиблари, ёш санъаткорлар иштироқида концерт дастурлари ўюштирилмоқда. Тадбирларда сардорлар кенгашининг қизиқарли саҳна чиқишилари болаларга янада қувонч бағишиламоқда.

* * *

«Камалак»дан Янги йил!» лойиҳаси Ҳаракатнинг Андижон вилояти кенгаси томонидан ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда. Лойиҳа доирасида Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашлари томонидан бир қатор маданий тадбирлар ташкил этилди. Дастрлаб «Ёш лидерлар ассоциацияси» фаоллари Андижон шаҳридаги Амир Темур кўчасида ўрнатилган арча атрофида маданий дастур ўтказиши. Сўнгра шаҳарнинг «Қайрагоч» маҳалласидаги кам таъминланган оиласлар фарзандларидан хаబар олиб, уларга Янги йил совғасини улашиши. Байрам тадбирлари «Лола» қўғирчоқ театрида Андижон вилояти ИИБ профилактик ҳисобида турган вояга етмаган ўсмирлар учун ташкил этилган Янги йил

қўллаб-қувватлаш, болаларнинг қиши таътилларини мазмунли ташкил этиш мақсадида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаси ҳомийлигидаги Республика «Камалак» болалар ташкилоти томонидан «Камолот»дан Янги йил!» лойиҳаси амалга оширилалапти. Лойиҳа доирасида юртимизнинг барча худудларида «Кўчма арча», «Биз биргамиз», «Ёшлар табриги», «Янги йил муборак!» тадбирлари

ғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Камалак» болалар ташкилотлари томонидан «Йил қаҳрамонлари», «Ийнинг энг фаол сардори», «Ийнинг энг фаол «Камалак» болалар ташкилоти раиси», «Ёшлик — ташаббускорлик, фидойилик ва шиҷоат фасли» мавзуларида етакчи ва истеъоддли ёшлар иштироқида танловлар ўтказилмоқда. Уларда 2012 йил давомида «Камолот»



«ЯНГИ ЙИЛ — ЯНГИ ИСТИҚБОЛ»

Бўка тумани «Камалак» болалар ташкилоти мана шундай лойиҳа доирасида тумандаги Чигатой қишлоқ фуқаролар йигинига қарашли «Жағалбайли», «Қоракудук», «Олтиш» маҳалла фуқаролар йигинларида истиқомат қилаётган кам таъминланган оиласлар фарзандлари учун «Кўчма арча» тадбирини ўтказди. Байрам тадбиррида қатнашган болалар томонидан шеър, қишиқ ва рақслар намойиш этилди. Қорбобо ва Қорқиз ҳамда эртак қаҳрамонларининг ташрифи болаларга хуш кайфият бахш этиди.

Тадбир сўнгидаги фаол болаларга Ҳаракатнинг Бўка тумани кенгаси томонидан Қорбобо совғалари улашилди.

ори остида ўтказилган «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови ёшларнинг севимли томошасига айланди.

Сиз томонларда Янги йил таровати қандай давом этмоқда? Бизга байрам қувончининг қизиқарли онларини Қорбобо ва Қорқиздан айтиб юборинг!

**Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири**

араси атрофида давом этди. У ерда Қорбобо ва Қорқизнинг ташрифи байрам иштироқчиларига чексиз қувонч бағишилади. ИИБ профилактик ҳисобида турган вояга етмаганларга «Камолот» ЁИХ Андижон вилояти кенгашининг Янги йил совғалари топширилди. Улуғнор ва Хўжаобод туманларида ҳам лойиҳа доирасида тадбирлар ташкил этилди. «Хуш келибсан, Янги йил!» ши-

Бухоро

Болажонлар қиши таътилда мириқиб дам олиш билан бирга ўзлари орзиқиб кутган байрамни нишонлашмоқда. Сеҳрли, сирли олам — эртаклар қаҳрамонлари, Масхарабоз, Ялмози кампиду қароқилар, Қорбобою Қорқиз улар билан бирга.

Кумилган шодиёна

Ҳаракатнинг Бухоро вилояти кенгаси ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти Республика ҳамда вилоят сардорлари томонидан ташкил этилган «Камалак»дан Янги йил!» лойиҳасида вилоятдаги меҳрибонлик улари тарбияла-нувчилари, маҳаллаларда истиқомат қилаётган, ота-онаси қарамоғидан маҳрум, имконияти чекланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болалар, мактаб-интернатлар ўқувчилари, жанговар ҳолатларда ҳалок бўлганлар фарзандлари, ота-оналари жазони ўташ муассасаларида бўлган, шунингдек, касалхоналарда даволанаётган болалар иштироқ этишиди. Уларнинг ҳар бирига Янги йил совғалари топширилди. Вилоят мусиқали драма театри ҳамда қўғирчоқ театри актёрлари томонидан саҳналаштирилган томошалар, болалар эстрада хонандалари, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали лауреатлари ижросидаги куй-қўшиқлар болажонлар кайфиятига қўтарикилик улашиди. Айниқса, лойиҳа дастуридан ўрин олган «Биз биргамиз», «Хеч ким эътибордан четда қолмасин!» шиори остидаги байрам тадбирлари болажонларни янада шодлантириди.

— Қорбобо ва Қорқиз, «Зумрад ва Киммат» эртагидаги қаҳрамонлар хонадонимизга ташриф буорди. Кимматой Қорбобо ва Қорқизни алдаб, улар билан тортишиб турган бир пайтда Зумрадой менгу ўз кўли билан иссиқ шапка ва қўлқоп тўкиб берди. Мен эса унга ўзим ёзган шеърни айтиб бердим, — дейди уйда таҳсил олаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ Севара Фаниева.

Бундай хайрли тадбирлар межу эътиборга муҳтоҷ барча болаларга Янги йил шодлигини улашаётир. «Камалак»дан Янги йил!» лойиҳасидаги байрам тадбирлари эса давом этмоқда.

**Лайло ҲАЙТОВА,
«Turkiston» мухбири**

Самарқанд

Мен Қорқиз билан гаплашдим!

— дейди байрамда қатнашган болалардан бири

«Камолот» ЁИХ томонидан ҳар йили Янги йил байрамини муносаб ўтказиш мақсадида анъанавий тарзда «Камалак»дан Янги йил!» ҳамда «Камолот»дан Янги йил!» лойиҳалари доирасида туркум тадбирлар ўтказилади.

Ҳаракатнинг Самарқанд шаҳар кенгаси томонидан Асрор Жўраев номидаги вилоят қўғирчоқ театрида «Камалак»дан Янги йил!» лойиҳаси доирасида катта театрлашган маданий дастур намойиш этилди. Унга ёпиқ турдаги 64-максус мактаб-интернат тарбияланувчилари ва Самарқанд шаҳар тарбияси оғир болалар реабилитация ва касбга йўналтириш мактаб-интернат ўқувчилари таклиф этилди.

Дастурда Қорбобо, Қорқиздан ташқари, ўзбек халқ эртакларининг қаҳрамонлари иштироқидаги саҳна кўриниши намойиш этилди.

— Халқимизда боланинг бегонаси бўлмайди, деган нақл бор. Биз шунга амал қилиб, бугун мана шу максус мактаб-интернатлар болалари учун байрам дастурлари тайёрлаб, намо-

шиш этилди. Қолаверса, «Камолот»дан Янги йил!» лойиҳасида шаҳар ҳоқимлиги кўмагида ногирон ва кам таъминланган оиласлар фарзандлари учун мактаб дастур тайёрлаб, уларнинг оиласларига кириб боришини режалаштирганмиз, — дейди «Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаси раиси Рустам Қобилов.

— Бугунги дастур менга жуда ёқди. Айниқса, Ялмози кампид, Бўри ва Тулкиннинг ўз мақсадларига ета олмагани, Қорбобо ва Қорқизнинг ғалаба қозонгани жуда ёқди. Мен ушбу эртакдан яхшилик доимо ёмонлик устидан ғалаба қилиши тўғрисида холоса чиқардим, — дейди ёпиқ турдаги 64-максус мактаб-интернат тарбияланувчиси Фахриддин Иброҳимов.

— Менга ҳам бугунги байрам ёқди. Арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз билан айланиб, мазза қилиб қишиқ айтдик, — дейди Самарқанд шаҳар тарбияси оғир болалар реабилитация ва касбга йўналтириш мактаб-интернат ўқувчisi Маъруф Темуров.

«Камолот» ЁИХ Самарқанд шаҳар кенгаси томонидан лойиҳа доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.

Содик ТЎРАЕВ

Иштиёқ ва ташаббус ўйғунылигидан

Ташаббуснинг кучи иштиёқ, ҳаракат ва масъулиятда билинади. Бунда зукко, файратли ва ҳар жиҳатдан фаол бўлиш ҳам катта самара беради. Ушбу хислатлар мавжуд инсонда ажойиб фоялар, тиник фикрлар ўйғониши табий. Агар мана шу жиҳатлар бутун бир жамоа аъзоларида шаклланган бўлса-чи? Унда, ҳеч шубҳасиз, марра доим уларники, деяверинг. Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти кенгаши аъзолари файрат ва шижаат, ташаббускорлик бобида бирбидан асло қолишмайди. Бир куч, ҳамжиҳатлика ишлаш уларнинг шиорига айланган.

— Ҳар ҳафта бошида кенгаши аъзолари ва факультет етакчилари иштирокида кичик йиғилиш ўтказамиз, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали бошлангич ташкилоти етакчиси Зухроб Матмуродов. — Унда ўтган ҳафтадаги ишлар сарҳисоб қилиниб, келгуси режалар ишлаб чиқилади. Бизда ҳам ҳар ўкув йили бошида ўн ой давомидаги ишларнинг низом ва дастурлари ишлаб чиқилади.

Таълим муассасамизда 955 нафар «Камолот» аъзоси бор. Уларнинг эллик саккиз нафари муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган талабалардир. Шартнома асосида таълим олаётган ҳарбий талабаларга «Камолот» ЁИХ томонидан контракт пулининг ўттиз беш фоизи тўлаб келинаяпти.

Мана, яна бир йил ортда қолди. Сир эмаски, ҳар бири миз йил якунида ўз-ўзимизга, ўтган йилда нималар қилдим, қандай натижаларга эришдим, деган савонни берамиз. Қилган ишларимизни бирма-бир сарҳисоб қилиб оламиз. Таълим муассасамиздаги БТ аъзолари ҳам ўтган йилда кўпгина ишларга қўл уришди. Айниқса, уларнинг баҳор ва ёз ойларида «Бунёдкор — 2012» талаба-

ёшлар меҳнат ҳаракатидаги ишлари таҳсинга лойиқ. Унда беш юз нафардан ортиқ талабаларимиз Урганч шахридаги ал-Хоразмий кўчасининг қайта таъмирланишига ўз ҳиссаларини қўшиди. Бугун кўча четидаги йўлаклар, бирбидан кўркам арча, терак, чинор каби манзарали дараҳтлар шаҳар кўркига янада кўр қўшиб турибди. Бунда «Камолот»чиларнинг ҳам ҳиссаси бор.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг Ҳаракат аъзолари жиноятчилик, кашандалик, гиёхвандлик каби салбий иллатларга қарши курашга оид қатор акциялар, давра сұхбатлари ҳамда тадбирлар ўтказиб келишяпти. «Ёшлар ва қонун», «Тамаки — инсон кушандаси», «Хуқуқий саводхонлик — давр талаби», «Гиёхвандлик — умр заволи» мавзуларидаги тадбирларни қайд этиш зарур.

Президентимиз томонидан қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция»сining аҳамияти ёшлар учун жуда мухим. Шу мақсадда «Камолот»чилар мазкур Концепция тарғиботи юзасидан жойларда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришиди. Ушбу тарғибот тадбирларида

эллик нафар иқтидорли талаба қатнашди.

Тиббиётчилар билимга иштиёқманд инсонлар бўлишади. Бу бежиз эмас. Нега дейсизми? Чунки ушбу олий таълим муассасасининг талабалар тураржойларида ҳафтанинг ҳар жума куни «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилади.

— «Заковат» интеллектуал ўйинида биргина талабалар тураржойларида истиқомат қилаётган ёшлар эмас, балки академиянинг Урганч филиалида таҳсил олаётган кўплаб иқтидорли, изланувчан ҳамда зукко талабалар ўз билимларини синовдан ўтказишиди, — дейди Зухроб Матмуродов.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг бошлангич ташкилоти қошида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи йигирма кишидан иборат тарғибот гуруҳи шакллантирилган. Улар вилоятнинг барча мактаб, академик лицей

ва касб-хунар коллежларидағи «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилотларига ўз таклиф ва мулоҳазаларини беришади. Бу борада мавсум, об-ҳавонинг қай даражада экани ҳам эътиборга олинади.

— Чунки ҳаво ҳарорати болалар саломатлиги учун мухим аҳамиятга эга, — таъкидлайди Зухроб Матмуродов. — Соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи мазкур гуруҳни ташкил этишдан асосий мақсадимиз ҳам ёшларни спортга кенг жалб этиш билан бирга, уларнинг саломатлигини эътиборга олишдан иборат.

Бугунги кунда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида даволаш иши, педагогика иши, олий ҳамширалик каби йўналишлар бўйича талабалар таҳсил олишмоқда. Уларнинг ўз соҳалари бўйича мавжуд билимлари етарли бўлиши талаб этилади, албатта. Чунки бизнинг саломатлигимиз мана шу ёш тиббиётчилар қўлида.

— Биз таҳсил олаётган олий таълим муассасасида барча замонавий билимлар бериб борилади, — дейди Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали талабаси Барно Жўшқинова. — Амалий тажрибаларимизни ошириш учун турли дастгоҳлар, энг сўнгги тиббиёт асбоб-ускуналаридан фойдаланамиз. Тенгдошларимиз бундай шартшароитларнинг яратилишида жонбозлик кўрсатётган давлатимиз раҳбарига катта миннатдорлик билдиради.

Ха, юқорида келтирганимиздек, ташаббуснинг кучи нафақат иштиёқ, масъулият, балки зукколик ҳамда юксак билимда ҳамдир. Зоро, эртанги келажакни бугунги баркамол авлод вакиллари яратишади.

**Ақбарали
ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Turkiston» мухбари**



Тенгдошларимиз ўртасида танлов-кўргазма

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ўз ижодий ишлари билан қатнашди. Танловда на мойишга қўйилган асарлар графиканинг плакат санъатида яратилган бўлиб, ёш ижодкорлар асарлари орқали нафақат республикамиздаги, балки бутун дунёдаги глобал муаммоларни, атроф-муҳит, экология, Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини, ичқиликбозликтарни, ашарни, кашандалик каби аср вабосига айланниб келаётган иллатларнинг олдини олишга қаратил-

ган мавзуларни ёритганлар. Ушбу танлов-кўргазмага ҳавола этилган ишларнинг инсонлардаги иллатларни бартараф этишга ундағояси билан сугорилгани эътиборга лойиқдир. Ҳайъат аъзолари талабалар яратган ҳар бир ишни юқори баҳоладилар.

«Инсон ва табиат узвий боғлиқдир» деб номланган асар муаллифи Рухшона Шоалиева Гран-прини қўлга киритди. «Энг яхши асар» номинацияси бўйича тақдирланган Юлдуз Қиличмуродова мазкур танлов ҳақида шундай дейди:

— Мен учун аёл, она тимсоли муқаддасидир. Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Танловнинг ташкил этилиши менга катта имконият яратди. Мен ана шу ғоямни томошабинлар диккатига ҳавола эта олганимдан бафоят хурсандман.

Иштирокчилар ҳомий ташкилотлар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Шоҳиста ОРТИҚОВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги миллий
рассомлик ва дизайн институти талабаси**

Унда Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ўз ижодий ишлари билан қатнашди. Танловда на мойишга қўйилган асарлар графиканинг плакат санъатида яратилган бўлиб, ёш ижодкорлар асарлари орқали нафақат республикамиздаги, балки бутун дунёдаги глобал муаммоларни, атроф-муҳит, экология, Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини, ичқиликбозликтарни, ашарни, кашандалик каби аср вабосига айланниб келаётган иллатларнинг олдини олишга қаратил-



Шуҳрат Сувонов ҳам спортчи, ҳам шоир. У Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўқыйди. Кўл жанг ва универсал жанг билан профессионал шугулланиб келмоқда. Ўзбек жанг санъати бўйича бир неча маротаба Ўзбекистон ва жаҳон чемпиони бўлган. Мураббий ва спорт устаси. Унинг «Онамнинг бағрига шошаман» номли шеърлар тўплами нашр этилган.

Nigoh

Sening tengdoshing

Яхшилар бор экан...

ҲАММА УЧУН УРАДИГАН ЮРАК

Бир танишим бор. Нуқул шов-шув, миш-мишларни топиб юради. Икки-уч йил аввал, бир жойда икки бошли бузоқ туғилибди, хосиятсиз аломат. Шунга беш күчанинг бошида ис чиқармиз, деб ўзига ўшаган аёлларни эргаштириб юрганди. Яқинда яна янги миш-миш чиқарибди: 21 декабрда каттакон метеорит тушиб, Ерга урилармиш-у, ҳаётни издан чиқармиш. Очифини айтганда, танишимнинг гали янгилек эмас, кўпчиликнинг тилига тушган, гап-гаштакларда, турли давраларда «чайналётган» мавзу эди. Айримлар юрак ҳовчулагани ҳам рост. Одамлар кўнглига фулгула солишни касб қилган «башоратчи»ларнинг айтгани бўлмади. Эсон-омон 2013 йилга ҳам ҳатлаб ўтдик. Минг шукрки, осмонимиз тинч, хонадонларимиз осуда. Ширин турмушимиз баробарида яна бир завқли, шукухли айёмни шодон қарши олдик.

Ўша кунларда шу миш-миш юзасидан ўғлим ўқийдиган мактабда ҳам ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида савол-жавоб бўлибди. Бир ўқитувчи ўқувчиларга шундай дебди:

— Ер юзида қачон бахтсиз ходисалар бўлади, биласизми, болалар? Қачонки, ер юзида меҳр-оқибат, яхшилик тугаса, ана ўшанда фожиалар юз беради. Болалар, ҳозир мактабимизда ёлғиз яшаетган қарияларга, беморларга сув ташиб, ҳовлисининг қорини кураб берадётган, серқатнов йўлларга кул сепиб, кўнгилсиз ходиса-

ларнинг олдини олишга кўмаклашаётган ўқувчилар орамизда борми?

— Ҳа, бор! — дебди ўқувчилар.

— Яшанглар, орамизда яхшилар бор экан, бахтсизликлар бўлмайди! Энди ҳамма танафусга!

Ана сизга, зукко, ақлли ўқитувчининг жавоби. Айтишадики, кимнинг юраги ҳамма учун ураётган бўлса, у чинакамига юртпарвар инсондир. Ҳамма учун урадиган юрак қанақа бўлади, дейсизми? Бу юрак ўқувчилари қалбига сокинлик индириган, уларни келажакка ёрқин нигоҳ билан, дадил боқишига ундан ўқитувчини каби бўлади, менимча.

Яна бир воқеа. Одатдаги кунларнинг бирида ишга келяпмиз. Исковот қишлоғида ўн-ўн икки ёшлардаги болакай икки челак кулни яхмалакка айланган серқатнов йўлга сепяпти. Уч-тўрт кунгача худди ўша жойда, ўша болакайни учратиб, уни бу ишни қилишга нима мажбур қилганини ёки уннадаганини билмаган эсамда, болакайда ҳамма учун урадиган юрак борлигига дилдан ишондим.

БАЙРАМЛАР БАЙРАМГА УЛАНСА...

Осоишталик ҳақида гап кетганида, кўз олдимизга, энг аввало, миллй армамиз, кечао кундуз юртимиз сарҳадларини кўз қорачиги-дек қўриқлаётган аскар ўғлонларимиз келади. Шуни шуурдан ўтказарканмиз, Ватанимизнинг асл ўғлонлари ўз қасамёдидаги собит экан, осоишталигимизга ҳеч қан-



дай куч таҳдид қилолмайди, деган ўй бизга хотиржамлик бағишлийди. Қолаверса, армия ва халқнинг яқдиллиги ҳар қандай ёвуз кучдан қудратлироқдир. Бундай фикрлар Янги йил айёмида Янгиқўрон тумани марказидаги тантаналар уйида ўтказилган тадбирда ҳам ўз ифодасини топди.

Тадбирда Чорток, Янгиқўрон, Косонсой туманларидаги кам таъминланган оиласаларнинг фарзандлари меҳмон бўлди.

Унда сўзга чиқсанлар юртимизда оиласалар мустаҳкамлигига, тотувлигига юксак эътибор қаратилаётгани, бундай хайрли ишлар 2013 йилда ҳам давом этишини таъкидлаши.

— Юртимизда инсон манфаатлари, ижтимоий ҳимояси, қадр-қиммати юксак дарражада, — дейди меҳнат фахрийси, косонсойлик ота-

хон Усмонхон Валиев. — Бугунги тадбирни ҳам инсон омилига, шарафли меҳнатига эътибор деб тушунаман. Айниқса, эътиборга муҳтоҳ, кам таъминланган оиласалар фарзандларининг байрам дастурхонига таклиф этилгани халқимизга хос меҳмондўстлик, инсонпарварлик белгиси, десам, янгишман ган бўламан.

Даврага Янгиқўрон тумани маданият ўйи санъаткорларининг дилрабо куйқўшиклари, рақслари файз бағишлиди. Шундай шукухли айёмда, бир пиёла чой устида гурунглашётган юртдошларимиз чехрасида акс этган шукроналик, севинч туйфуларини кўриб, шу кунларга етказганига шуқр, деган калом диллардан тилларга кўчди.

**Дилбар АСҚАРОВА,
«Turkiston» мухбири**

Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда 2013 йил «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганида кўпчилигимизнинг кўнглимидан ажаб ҳислар кечди.

ЭНГ ГЎЗАЛ ВАЗИФА

Бу унинг замирида оиласаларимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигига хизмат қилувчи эзгу foялар мужассам эканидан. Қолаверса, истикол даврининг энг гўзал анъаналаридан бирига айланиб қолган йилларга ўзига хос ном бериш, унга мувофиқ бунёдкорлик ишларини амалга ошириш ҳар биримиздан ўзгача масъулият талаб этади. Зотан, ўзининг яқинларига яхшилик соғинмайдиган, ўз турмушини ўзи обод этишини инсоний бурчи деб билмайдиган одам бўлмаса керак.

Обод турмуш йилида амалга ошириладиган ҳар бир эзгу иш, бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар юрт ободлигига, обод турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилиши шубҳасиз. Хусусан, бизнинг коллежимизда ҳам жорий — Обод турмуш йилига монанд қатор эзгу ишларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Ўқувчилар онгиди ободлик ўзи нима, унга эришиш учун инсонда қандай фазилатлар бўлиши керак, деган саволларни ўз ўзига бериш ва унга жавоб тошиш кўникмасини шакллантириш — йилда мўлжалланаётган назарий вазифаларимиздан бўлса, ўз уйини, ўқув масканини, маҳалласини, юртини обод қилиш кўникмасини шакллантириш — амалий вазифаларимиз сирасига киради.

Коллежимизда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» хамкорлигининг йўлга кўйилганини айни муддаодир. Биз билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга кўйган Яккасарой тумани маҳаллалари билан ҳар томонлама бақамти иш олиб борамиз. Бу борада тумандаги «Яккасарой» ҳамда «Яккасарой-2» маҳаллалари билан яхшиги на ҳамкорлик ўрнатганимиз.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз, қолаверса, Обод турмуш йилининг ўзи ҳам миллй истиқлол foямизга ҳамоҳангидир. Истардимки, янги йилимиз обод ва фаровон, ўқувчи-ёшлини қалбидаги ўзига хос изқолдирадиган йил бўлсин.

**Баҳодир УЛАШОВ,
Тошкент тижорат ва
тадбиркорлик касб-хунар
коллеки маънавий-
маърифий ишлар бўйича
директор ўринbosari**

Ҳаммаси ёш авлод учун

Ғайрат Ҳалилов бир неча йилдирки, Шоғиркон туманинг Денов қишлоқ маданият ўйига раҳбарлик қилиб келаётир. Шу билан бирга «Доира» тўғараги машғулотлари ҳам унинг зиммасида. Ижодкор. Изланувчан. Ўтган ўйли туман миқёсидаги «Энг яхши сценарий» кўриктанловида голиб чиқди ва вилоятда иккинчи ўринни эгаллади.

— Тармоқ маданият ўйимизда олтига тўғарак фаолият кўрсатади, — дейди у биз билан мулоқот ҷоғида. — Ҳозир санъат ва спортуга иштиёқманд 203 нафар ўғил-қиз машғулотларда иштирок этмоқда. Улар орасида қатор маданий-маърифий танловлар голиблари ҳам бор. Шунингдек, «Бадиий ўқиш» тўғарагимизда қатнашиб, актёрлик маҳоратини шакллантирган ҳаваскор ўқувчиларимиз марказий маданият ўйи қошида ташкил этилган «Халқ» театри жамоаси сафига қўшилишиди. Мазкур театр турли оммавий тадбирлардаги чиқишлари билан кўпчиликка маълум.

Дарвоқе, маданият ўйи қошида «Баркамол авлод» спорт клуби фаолият кўрсатмоқда. Спорт устаси Одил Ҳақбердиев қўли остида маҳалла ёшлари миллй кураш ва дзюдо сирасорларини ўзлаштириб келишмоқда.

— Деярли барча қишлоқ маданият ўйлари негизида махсус спорт клублари ташкил этилган, — дейа фикр билдиради Шоғиркон тумани маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Муҳаммад Шарипов. — Бундан кўзланган мақсад санъат ва спортини ўйғунлаштирган ҳолда эртамиз эгаларини жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрга эга, ақлан баркамол қилиб тарбиялашдан иборат. Таъкидлаш ўринлиги, айни вақтда бўлимимизга қарашли битта марказий ва 12 та тармоқ маданият ўйи, «Бинафша» ашула ва рақс ҳалқ дастаси, «Халқ» театри туманимизнинг 160 мингдан ортиқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли марказий ва барча тармоқ маданият ўйларидаги умумий тўғараклар сони 86 тани ташкил эта-ди. Тўғаракларда 1653 нафар ўғил-қиз мавжуд. Шундан 1166 нафари ўғил бола, 487 нафари қиз бола. Машғу-

лотларни намунали олиб боришга 64 нафар малакали мураббий жалб қилинган.

— Худудимиздаги ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бир қаторда уларнинг иқтидорларини намоён қилишларига ҳам кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди марказий маданият ўйи директори Омон Шодиев. — Масалан, «Яғонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танловининг жорий йилги вилоят босқичида Севинч Мажидов қатнашиб, ашула йўналишида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. «Мавриғиҳонлик» анъанавий фестивалининг вилоят босқичида иштирок этган Диљшод Эрдонов ҳам худди шундай натижага эришди. «Ўзбекистон, сени кўйлайман!» санъат фестивалининг вилоят босқичида туманимиз ҳаваскорлари биринчиликни кўлга киритиб, Республика босқичида ҳам вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишибди. Албатта, бундай ютуқ ва муваффақиятлар замирида юртимизда ўш авлодга қаратилаётган давлат сиёсати даражасидаги эътибор ҳамда ғамхўрлик мужассам.

**Лайло ҲАЙТОВА,
«Turkiston» мухбири**

АКТЕР, ПЬЕСА, ТЕАТР...

— Ойижон, сизни яхши кўраман. Биласиз-а?!

— Ҳа, қизим тинчлики? — дейди онам. — Пулинг тугадими дейман?..

— Вой, ўзимнинг ойижонидан, қайдан билдингиз? Бирам билағонсиз.

— Билдимда, — дейди у киши. — Ролга кирмасанг ҳам жўнатаман...

Ўйласам, мендан тузуккана актиса чиқади. Гарчи ялтираган актисалик қоғозчам бўлмаса ҳам ролларни ўйнаб кетавераман. Ҳаётдан ўрганганларимни амалга татбиқ этсан борми... Фирт, фирт... айланаман, қўяман. Кулманг. Сиз ҳам мендан қолишмайсиз. Вазиятга қараб иш тутасиз, ўзгарасиз. Бу ҳам бир рол-да! Шундайми? Буни ҳаёт театри деб қўйибди.

Бозорбой Узоқбергенов ҳам сизу бизга ўхшаган актёр. Аммо биздан фарқи у ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам роль ижро этади. Ҳозир у Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқа театрида ишлади. 2012 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди. Мазкур эътирофа у қанчалик мунособи, буни энди сиз баҳолайсиз. Биз борини борича ёритамиш. Қўшмаймиз, олмаймиз ҳам.

— Сизнингча, театр — бу...

— Одамда биттагина «мен» бўлмайди. Унда бир нечта «одамча»лар бўлади. Шунинг учун инсон ўзгариш, турланишга бир мунча мойил. Театр ана шу ички, ташки қиёфамизни воқеа орқали кўрсатади. Тошойна эса ташки кўринишимишнингина гавда-

лантиради.

Театрда гап кўп. У одамни тарбиялайди. Тўғри маслаҳат берада олади. Келажакни олдиндан кўрсатади. Масалан, кимнингдир молига кўз олайтирдингиз. Охирини билмайсиз. Марҳамат, театрга келинг. У якунни айтади, тушуниради. Сизни ёмон йўлдан қайтаради. Аслида, театр шундай кудратга эга. Ҳамма ҳам уни тушунавермайди.

— Саҳна ва ҳаёт эгизакми?

— Эгизак. Саҳнадаги воқеа ҳаётдан олинади, ҳаётга солинади. Ҳозир одамларнинг вақти ўта тифиз. Айрим ходисаларда ўзларининг таъсири кўпроқлигини англайвермайди. Буни тушунириш эса бизнинг вазифамиз.

Эгизакларга эътибор беринг-а. Биттаси касал бўлса, иккинчисининг ҳам мазаси қочади. Худди улар битта жонга ўхшайди. Саҳна, ҳаёт ҳам шундай. Уларнинг томими битта юракка бориб туашган. Юрак бўлганда ҳам инсонникига.

— Нега ўшлар театрга боравермайди?

— Уларни мажбурлаб бўлмайди. Хоҳласа, келсин, исташмаса, ўзлари билишади. Аммо фарзанд тарбияси оиладан бошланишини унумаслик керак. Муаммо ипининг уни ота-онада. Негаки, улар ким, ниманинг яхши, ёмонлигини болаларга тушуниради. Жамиятдаги илк ахборотни узатади. Мабодо улар фалон театрда зўр пьеса бўляпти, дея ташвиқ қилса, бола келади, қизиқади. Афсуски, ота-оналар

югур-югур, ишни муҳимроқ ҳисоблашади. Бу ҳолатда тарбия иккичи даражага ўтади. Бу маданий инқизорни англатмайдими? Ёшларнинг театрга келмаслигининг сабаби шундай. Яна пъесани томоша қилиш учун одамда сабр бўлиши шарт. Ҳозирги ўшларда ўша сабр етишмайди. Ёшларнинг театрдан безишида театр айбдор эмас. Уларни дангаса қилаётган бошқа нарсалар...

— Яратилган образ ва сиз. Үхшайсизми ёки...

«TURKISTON» МАЪЛУМОТНОМАСИ

ТУФИЛГАН ЙИЛИ, ЖОЙИ: 1957 йил, Нукус тумани.
ТАҲСИЛ ОЛГАН: Тошкент давлат театр ва рассомчилик институти (Ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти).

РОЛЛАРИ: «Бердақ» пьесасида Эрназар Олакўз, «Мангу булоқ»да Искандар, «Алломиши» спектаклида Бойсари, «Соҳибқирон» пьесасида Амир Темур...

— Қисман ўхшайман. Маълум вақт образим билан яшайман. Ўшанда бошқа одамга айланаман. Шунинг учун ҳам баъзилар ўзгарувчанлигидан шикоят қилишади. Мен ўзгаришга мажбурман. Негаки, улардек яшамасам жонли чиқмайди. Киноларда кўраман. Айрим актёр, актисаларда сунъийлик шундок кўринади. Улар яратадиган қаҳрамонининг ичига кирмайди. Атрофида изғиб юраверишади. Ваҳланки, санъат — бу унда яшаш демак.

— Қорақалпоқ театр санъати қадамлари...

— Қадам босиши жуда тез эмас-у, аммо яхши. Қармоққа илинадиган асралар намойиш

этилаяпти. Шу кунгача бир нечта асарлар саҳналаштирилди. Ўтган йили эса театримиз қайта таъмирланди. Замонавий кўринишга эга бўлди. Мана шу театрда кўп йилдан бери ишляяпман. «Уч бўйдоқ» спектаклидаги доцент Ҳасаннинг ролидан бошланган фаолиятим омадли кечди. Ҳозир саҳнада замонавий қаҳрамонлар образи яратилаяпти. «Қайсар» пьесаси бунга мисол бўлади.

— Ҳар куни камида тўртта кино экранга чиқа-

ги бор, томошабинни вақтинча чалгитиш, вақтини ўғирлаш! Бўлсанг зўр бўл, бўлмасанг йўқ! Бундан ташқари, «Сўймаганга суйкалма», «Келин», «Абийга-бабий», «Ойминнинг еттинчи эри» каби пъесалар ҳам чакки чиқмади-ёв.

— Истеъоддод ёки ҳаракат: сиз учун қайси бири мухим?

— Тартиб. Интизом бор жойда ривожланиш бўлади. Айримлар тартиби ўзлари бузишади.

Сўнгра (ўйланади) истеъоддод ва ҳаракат. Тартиб инсондаги қобилиятни юзага чиқарди. Негаки, ҳар битта одамда даҳо яширинган бўлади. Театр одамлардаги жонли даҳоликни кашф этади.

— Театрнинг асосий кучи...

— Тирноқ маҳкам бўлса, кўл ҳам бақувват бўлади. Театримизнинг асосий кучи — бу шаклланган актёрлар ансамбли. Бизда актёрнинг имкониятидан келиб чиқиб пъеса олинади. Бу жойда драматургия ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Истеъоддодли актёрлари бор театрнинг кучли репертуарга эга бўлади. Ҳозир театримизда яхши жамоа ишлайди.

Тўғри, саволлар жа-а бошқача эмас. Оддий, аммо савимий. Негаки, биз осмондан келмадик, ҳаётдан олдик. Жавобларни қандай шарҳлайсиз, буниси энди сизга ҳавола. Марҳамат, фикр билдиринг, ўзингизни кўрсатинг. Асосийси, бепарво бўлманг!

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири**

Муомала — инсон зийнати

Ҳар куни бирор муносабат билан жамоат жойларида, дўкон ва бозорларда турли феъл-атворли кишиларни кўрамиз, муомала қиламиз. Инсонийлик белгиси ва кўрки ҳисобланмиш нутқ маданияти, кишиларнинг ўзаро муомаласига эътибор берганимисиз?

Кўпинча жамоат транспортларида, кўча-кўйда, бозорларда айрим кишиларнинг муомаласини кўриб ҳайратга тушасиз. Бир сафар ўқишига кетаётib беихтиёр иккича қизнинг сухбатига гувоҳ бўлдим:

— Ў, анави довдир «уч» баҳо қўйса индамай туравердингми?

— Э-э, дарсини билмасам, уйга вазифасини қилмаган бўлсам, нима қилай?

— Бундог айлантириб қулогига «лапша» осмийсанми?

— Овсармисан, сенга нима деяпман боядан бери, дарсини билмайман, ўзи шундоғам савол беравериб «мазги»ни қотирворди-ку...

Тенгдошларимиз адабий тил учун бегона сўзлар, ахлоқий меъёлларга мос келмайдиган иборалардан иборат бундай муомалани қаердан ўрганишади.

— Овсармисан, сенга нима деяпман боядан бери, дарсини билмайман, ўзи шундоғам савол беравериб «мазги»ни қотирворди-ку...

Инсоннинг сўзлашиш тарзи унинг ички маданиятини кўрсатиб туради. Кимдир бақириб, ҳар гапида кўп-кўп сўзларни қўллайди. Яна кимдир оҳиста, мулоим, дилга хушёқар сўзларни топиб айтади. Бу ўша иккича инсоннинг қандай тарбия олганини кўрсатиб туради.

Ҳар бир шахс, ҳар бир инсон ўзига хос индивидуал хусусиятларга эга. Даражада минглаб япроқ бўлса-да, хеч бири бошқасига ўхшайди. Бугунги кун ўшлари орасида ақлли, қобилиятлиларнинг кўплигини кўриб қувонасан, киши. Лекин гуруч курмаксиз бўлмас, деганларидек, улардан фарқли ўлароқ, оддийгина сўзлашув қоидаларини билмай, тилимиз соғлигига путур етказётган ўшлар ҳам йўқ эмас. Юқоридаги каби ҳолатларга дуч келганимда улар ўз укаю сингилларига ҳам шу оҳангда муомала қилиши ва бу уларнинг тарбиясига салбий таъсири кўрсатиши хусусида ўйлаб қоламан.

Яхши, мулоим ва ширин сўз ҳаммага ёқади. Ташки гўзалликка ҳамма-ҳанг тарзда сийратни ҳам гўзаллаштириб бора олган инсонгина ўзгалар хурмат-эътиборига лойиқдир.

**Мафтуна ЭШОНҚУЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси**

Мен «Turkiston» газетасининг кўпийиллик мухлисиман. Аввалига мактабда, сўнгра университетда у менинг доимий ҳамроҳим бўлиб келди. Мана, ҳозир касб-хунар коллежида ўқувчиларга сабоқ берарканман, бугун ҳам у менинг қўлимда.

Университетни тутатганига иккича йилгина бўлган, талабалик давридан ҳали унчалик ҳам узоқлаб кетмаган мендек муштариб йигит учун ундан ҳам яхшироқ дўст бўлиши мүмкинми?

Газетага маклифим бор...

Газетада «Долзарб мавзу» рукни остида эълон қилинадиган материалларни севиб ўқийман. Мулоҳазага чорлаши, содда, ҳаммабол, тушунарли услугубда ёзилгани ҳам менинч, унинг ўқишилигини белгиласа керак. Хусусан, ўтган йили эълон қилинган турмуш маданияти, тўйлардаги ортиқча дабдаба-бозликлар, ичқиликбозлик ва кашандаликнинг оқибатларига багишиланган мақолалар менга манзур бўлди.

Албатта, газетани мунтазам кузатиб боргандан кейин, унинг ютуқ-камчиликлариям маълум бўлар экан. Газетада бир пайтлар ўқувчиларнинг севимли саҳифасига айланган «Абитуриент», «Бешинчи пар» каби саҳифалар янада тикланса, менинг назаримда, айни мудда бўларди. Чунки, масалан, «Абитуриент» орқали олий ўқув юртларига ўқишини киришни хоҳловчи ўзларига керакли маълумотларни оларди. Негадир ўтган йили бу саҳифага кўзим тушмади.

Дарвоқе, менга маъкул бўлган яна бир нарса. Газетада «Ён дафтарчангизга» рукнида доимий равишда хикматли сўзлар берип борилмоқда. Менинг таклифим, унда фақат битта эмас, ҳар сонда бир нечтадан донишмандларнинг фикрлари берип борилса, назаримда, бу бошқа ўқувчиларга ҳам манзур бўларди.

**Турсунбой БОБОХОНОВ,
Самарқанд ахборот коммуникация
технологиялари ва саноати
касб-хунар коллежи ўқитувчisi**

Санъатга ошуфта ёш

Тошкент вилоятидаги мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактаблари республикализ миқёсида ўтказиб келинадиган деярли барча танлов ва фестивалларда энг кўп совринли ўринларга сазовор бўлиб келмоқда. Бу, албатта, қувонарлидир.

Вилоят миқёсида истеъоддигунчаларини кашф этишга, иқтидор эгаларини излаб топишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Хозир вилоятдаги мавжуд 33 та мусиқа ва санъат мактабининг бутун дикқат-эътибори ана шу йўналишга қаратилган.

Ўтган йили Ангрен шахридаги, Кўйи Чирчиқ ва Янгийўл туманларидаги мусиқа ва санъат мактаблари



капитал реконструкциядан чиқарилган бўлса, Пскент туманида янги мактаб фойдаланишга топширилди. Албатта, шунга яраша мусиқа ва санъат мактаблари зарур инвентарлар ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Энг муҳими, жажжи иқтидор соҳибларининг камолоти учун барча шароитлар мухайё.

Янги — 2013 йилда ҳам вилоятдаги болалар мусиқа ва санъат мактабларига бўлган эътибор яна давом эттирилади. Ушбу йилда Давлат дастурига биноан, Бўstonлик туманидаги 18-, Юқори Чирчиқ туманидаги 24- ҳамда Зангита туманидаги 32-мактаблар учун янги бино қурилиши бошлаб юборилса, Бекободда-

Мавсум омадли бошланди

Ҳамюртимиз Денис Истомин Австралияниң Брисбен шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасидаги ўтказилаётган ATP туркумидаги мусобақада мусвафикациятли иштирок этмоқда.

Теннис мавсумини кўтаринки руҳда бошлаган Денис Истомин дастлаб турнирда 8-ракам остида сараланган словакиялик Мартин Клижанни ортиқча қўйинчиликсиз 6-1, 6-2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Нимчорак финалда юртдошимиз мезбон теннисчи Ллейтон Хьюиттга қарши кортга чиқди. Ушбу учрашув-



да ҳам Денис Истомин зафар қучди ва чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Ҳамюртимизнинг чорак финалдаги рақиби Энди Маррей (Буюк Британия)

— Жон Милман (Австралия) ўртасидаги учрашув якунига кўра маълум бўлади.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ,
«Туркистон-пресс»

Шахс дахлсизлиги кафолати

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш, шахс дахлсизлигини конституциявий жиҳатдан эътироф этиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Жумладан, истиқолол йилларида шахс дахлсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Қонунчилигимиз инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий нормалар билан бойитилди. Адвокатура институтини тақомиллаштирилиши, одам савдосига қарши курашга қаратилган ҳуқуқий асоснинг пайдо бўлиши, бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонулар ва қонуности ҳужжатларнинг яратилаётгани шахс дахлсизлигини таъминлашга катта ёрдам беради. Даҳлсизлик деганда, ав-

вало, ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги назарда тутилади. Конституциямизнинг 19-моддасида: «Фуқароларнинг Конституция ва қонуларда мустаҳкамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизdir, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас», дейилган. Шахс дахлсизлигига қарши хатти-ҳаракатларни фақат Конституцияда мустаҳкамлаш билангина чекланиб қолмай, жиноят

қонунчилиги, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш борасида босқичма-босқич ислоҳотлар ўтказилмоқда, аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яна бир муҳим омил — шахс дахлсизлигини таъминлашда жамият аъзолари ҳуқуқий маданиятининг шакллангани ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқларини онгли равишида амалга оширишда қонунларни ҳурмат қилиши, атрофдагиларга нисбатан мажбуриятларини тўла ҳис этиши, ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини эътироф этиши ҳам шахс дахлсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Феруза ФУЛОМОВА,
Учтепа туманидаги
8-давлат нотариал
идораси нотариуси

Ertaning egalari

диллар

ги 20- ва Қибрай туманидаги 26-болалар мусиқа ва санъат мактаблари капитал реконструкция қилинади.

— Янги йилдаги режаларимиз бундан-да катта, — дейди Тошкент вилояти мусиқа ва санъат мактабларини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси Азиза Польвонова. — Бизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан руҳланган ҳолда иқтидорли болалар билан ишлашни янада кучайтирамиз. Ҳар бир истеъоддигунчаси доимий эътиборимизда бўлади.

Дарҳакиқат, мамлакатимизда болалар мусиқасига, иқтидорли ёшларга алоҳида эътибор қаратилаётгани бор гап. Шундай экан, янги йилда ҳам вилоятдаги ёш иқтидорлilarга алоҳида эътибор қаратилиб, янги янги истеъоддодлар кашф этилаверади.

Ашурали БОЙМУРОДОВ,
«Turkiston» мухбiri



Кўза кунда эмас, Кунида синади

Ирландиялик альпинист Килиманжаро чўққисини забт этиш вақтида ҳалок бўлди.

42 ёшли Иен Маккивер сайёра-мизинг еттита чўққисини забт этган альпинист эди. Шерилларининг сўзларига қараганда, чақмоқ чақиб, кучли жала қуяди. Натижада, улар гуруҳидаги тажрибали альпинистни чақмоқ уради. Иен кучли ёмғир ёғиши мумкинлигини, лекин бу унинг мақсади учун ҳалакит бермаслигини «Facebook»да таъкидлаган эди.

2008 йилда альпинист ўн ёшли мактаб ўқувчиси Шон Макшарини Килиманжаро чўққисига олиб чиқкан ва болакайнинг дунёдаги энг ўш альпинист номини олишига ёрдамлашган эди. Иен ўзи забт этган чўққилар ичидаги энг «осони» Килиманжаро эканини бот-бот таъкидларди.

Виждони қийналди

Вена шаҳрида бир неча кун олдин ўғирлаб кетилган, пони зотига мансуб от топилди.

Ўзгача кўринишга эга, бўйи борйиги олтмиш сантиметрдан иборат, Фридолин лақабли от Вена шаҳридаги автобус бекатларидан бирида экани ҳақида хабар берилади. Энг қизиги, хабарни отни ўғирлаган аёлнинг ўзи маълум қилган. Номаълум аёлнинг сўзларига қараганда, у отни касал қизи учун ўғирлаган, бироқ той-чоққа қарашни эплай олмагани сабабли қайтаришга мажбур бўлган. Аёл яна цирк маъмуриятидан узр сўраб, Фридолинга яхшироқ қарашларини илтимос қилган. Полиция айни пайтда бу аёл қидирудва эканини, топилса, албатта, жазоланишини айтган. Бироқ полиция фикрига қарши чиқсанлар ҳам бўлди. Қайтаришган от учун онани жазолаш тўғрими, дейишмоқда улар.

Интернет-фийбат

«Global Language Monitor» компанияси ҳар йилгидек 2012 йилда интернет саҳифаларида, электрон почталарда ва микроблогларда энг кўп ишлатилган сўзлар рейтингини тузиб чиқди.

Рўйхатни компания мутахассислари бир неча давлат миқёсида эмас, балки дунё бўйича тузди. Рейтингдаги Апокалипсис яъни «сўнгги кун» синонимидаги сўзлар биринчи ўринни эгаллади. Бу сўзлар 2012 йил 21 деқабрда қадар шу даражада кўп ишлатилганки, натижага рекордга етган. Иккинчи ўринни эса, энг кўп фийбат Апокалипсис яъни «сўнгги кун» синонимидаги сўзлар биринчи ўринни эгаллаган. Бу хонанданинг рақси «YouTube» ижтимоий тармоғида ҳам энг кўп кўрилган видео бўлиб, рекорд натижани қайд этган эди. Шунингдек, рейтинг толибонларга қарши чиқсан қизалоқ Малала Юсуфзай билан давом этган. Кўриб турибсиз, интернет фойдаланувчиларининг аксарият қисми нима билан машғул.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ
тайёрлари

Хунар — ҳеч ким тортиб ололмайдиган, қанча сарфланса ҳам тугамайдиган, инсонга умрбод ҳамроҳ бўлувчи бемисл хазина.

Бу ҳикматни тенгдошимиз — лок-миниатюра устаси Маҳмуд Ризоқулов яхши билади. Шу боис хунар фазилатидан бошқаларни баҳраманд этишдан эринмайди.

СУРАТДА: Маҳмуд Ризоқулов шогирди Иброҳим Нематов билан иш устида.

Сардор Муллахонов
фотолавзаси



? Келажакда ҳарбий бўлиш ниятим бор. Тошкентдаги ҳарбий лицейга ўқишига кирмоқчиман. Ҳарбий лицейга ўқишига кириш учун қаерга мурожаат қилишим керак? Қабул шартлари, талаблари ҳақида маълумот берсангиз.

Шаҳзод Абраҳматов,
Нишон туманинг 20-мактабнинг 9-синф ўқувчиси

Саволга телекоммуникация йўналишидаги Тошкент ҳарбий лицеи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ўринбой Бобоёров жавоб беради:


— Республикализнинг Сармарқанд, Фарғона ва Урганч

шаҳарларида ҳам ҳарбий лицейлар мавжуд. Ҳарбий соҳа учун юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган мазкур ўрта маҳсус ўқув юртлари ўқувчиларни, асосан, олий ҳарбий ўқув юртларига тайёрлади. Ўқув юртимизга эса, республика-

мизнинг барча худудларидан 9-синф битириувчилари қабул қилинади. Қабул қилиш шартлари туман мудофаа ишлари бўлими томонидан тақдим этилади. Агар битириувчи ҳарбий бўлишни истаса, туман мудофаа ишлари бўлимига ариза билан мурожаат қилиши лозим. Февраль ойидан бошлаб ҳужжатлар қабул қилинади. Тиббий кўрик натижалари асосида ҳужжатлар тайёрланади. Қандай ҳужжатлар талаб этилиши билан туман мудофаа ишлари бўлими ходимлари таниширадилар.

1 savolga 1 javob
Абитуриентлар ўртасида, энг аввало, жисмоний тайёр гарлик бўйича синовлар ташкил этилади. Синов натижаларига қараб Давлат тест маркази томонидан июнь ойида математика, физика, тарих, она тили ва адабиёт фанларидан имтиҳон ўтказилади.

Бундан ташқари, ўқув юртиминг интернетдаги веб-сайтидан қабул шартлари ҳақида маълумотларни олишингиз мумкин.



Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

Kaleidoskop

ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИК АСОСЧИСИ

XI асрда яшаб ижод қилган Маҳмуд Кошгари тарихдаги энг буюк тилшунослардан биридир. Унинг машҳур «Девону лугатит турк» китоби қиёсий тилшуносликнинг ноёб дурдонаси саналади. Унда 7500 дан ортиқ сўз ва иборалар изоҳланган. 300 га яқин мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, 700 сатрдан ортиқ шеърий парчалар келтирилган. Буларни тўплаш учун аллома барча туркий халқлар яшайдиган ўлкаларни кезиб чиқсан.

ЎЗИГА ХОС САХОВАТ

Нобель мукофотини кўлга киритган шоиру адилларнинг барчасини дунё тан олган, жуда машҳур кишилар бўлишган, деб бўлмайди. Дейлик, улар орасида майдум бир аудиторияни ўзига қаратган, бироқ умумёттироф этилмаганлари ҳам талайгина. Бироқ улар ичиди саховатлилари етарли. Масалан, адабиёт соҳасида биринчи Нобель мукофоти соҳиби бўлган франциялик Рене Франсуа Арман Прюдом (Рене Сюлли-Прюдом) ана шундайлардан бири. Французд шоири 1901 йил мукофотни олар экан, маблагининг катта қисмини ёш шоирларга тұхфа этиб юборади. Аникроғи, бу маблағ ҳисобидан ёш ижодкорлар учун адабий мукофот таъсис этилади.

ГАП БЎЙДА ЭМАС!

Баскетбол қироли Майкл Жорданнинг бўйи 198 сантиметр. Ўйинчилик даврида у энг бўйдор баскетболчи бўлмаган, балки шериклари ва рақиблари орасида «паканарак» хисобланган. Яна бир қирол, машҳур футболчи Марадоннинг бўйи эса 166 сантиметр. Қизиги шундаки, ўйинчилик даврида унинг вазни нақ 80 килограмм бўлган экан. Шундай гавда билан у замонасининг барча футбольчиларидан чакон ва чопқир бўлганига одамнинг ишонгисиям келмайди. Бугунги куннинг энг кучли футболчиси бўлиб турган Месси ҳам «митивой»лар тоифасидан. Унинг бўйи 169 сантиметр.

Ҳа, ном қозониш учун истеъод керак экан-да!

Ўлмасбек МАҲМАРАЙМОВ
тайёрлади

YON DAFTARCHANGIZGA

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжу ғурбат
ҳавас айлама.

Алишер Навоий